

---

## ФАРҶОНА ВА БАТКЕН ВИЛОЯТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ШОҲИМАРДОНДА УЧРАШДИЛАР

Қирғиз Республикасининг Баткен вилояти губернатори Абдиқарим Алимбаев бошчилигидаги, Баткен вилояти прокурори, вилоят ИИБ ҳамда божхона бошқармаси бошлиқлари, Фарғона вилояти билан чегарадош туман ва шаҳарлар ҳокимлари ҳамда бошқа расмийлардан иборат делегация бугун вилоятимизда бўлди.

Шоҳимардон қишлоғи чегара постида Баткен вилояти вакилларини вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, вилоят прокурори Бахтиёр Исмоилов, вилоят ИИБ бошлиғи Азизбек Икрамов, вилоят божхона тизимлари раҳбарлари, Қувасой шаҳри, Фарғона, Риштон, Сўх туманлари ҳокимлари кутиб олдилар.

Меҳмонлар дастлаб, Шоҳимардон МФЙ ҳудудидаги Ҳазрати Али мажмуасини зиёрат қилдилар, бу муборак қадамжода қуръон тиловат қилиниб, икки қўшни юртга тинчлик-омонлик, қардошлиқ ришталарини қайта тиклаган давлат раҳбарларига узоқ умр, сиҳат-саломатлик тиланди.

Икки вилоят раҳбарларининг тор ва кенгайтирилган доирадаги учрашувларида Фарғона ва Баткен вилоятлари ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий-гуманитар, маданий, туризм ва бошқа соҳалардаги ҳудудлараро ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Мулоқот давомида Ўзбекистон ва Қирғизистон давлат раҳбарларининг юксак сиёсий иродаси натижасида халқларимиз ўртасида азалий дўстлик ва қардошлиқ алоқалари қайтадан кучайиб бораётгани, чегараолди ҳудудларнинг ҳамкорлиги ҳам янги босқичга кўтарилаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шу билан бирга, вилоятларимиз ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик борасида фойдаланилмаган катта салоҳият мавжудлигига эътибор қаратилди.

Икки вилоят бизнесининг ҳудудлардаги ўзаро иштирокини ҳамда Фарғона ва Баткен ишбилармонлари ўртасида тўғридан тўғри мулоқотни кенгайтириш, қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларини кўпайтириш муҳимлиги қайд этилди. Қувасой шаҳрида барпо этилаётган “Қирғиз савдо уйи”ни фойдаланишга топширилишини тезлаштириш борасида келишиб олинди.

Фарғона ва Баткен вилоятлари ўртасида туризм соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш, маданият ва спорт соҳасида қўшма тадбирлар ўтказиш, бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлган масала – Шоҳимардонга борувчи йўлдаги икки томонлама чегара-божхона постини, барча давлат фуқаролари ҳаракатланиши мумкин бўлган халқаро мақомга эга постга айлантириш лозимлигига эътибор қаратилиб, икки вилоят раҳбарлари ўз ваколатлари доирасида керакли сайъ-ҳаракатларни амалга оширишига келишилди. Шунингдек, Фарғона ва Баткен орасида қўшимча 7 та чегара-божхона пости очиш масаласи ҳам муҳокама қилинди.

Баткен вилояти губернатори Абдиқарим Алимбаев бошчилигидаги делегация, учрашувлар якунида Қирғиз Республикасига жўнаб кетди.

---

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram

2024-05-30 19:44:04